



КУН РАҚАМИ

2026 йилда республика бюджетига 23,1 триллион тенге миқдорида даромад тушиши тахмин қилинмоқда. Шу йили ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш учун 10,7 триллион тенге йўналтириш режалаштирилган.



janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 6 ноябрь, пайшанба, №119 (3620).

»» Президент

ҚОЗОҒИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ: стратегик ҳамкорлик янги босқичда

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Президент-и Қасим-Жўмарт Тўқаев Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчинни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик, саноат кооперация-си ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлан-тириш масалалари муҳокама этилди.

Давлат раҳбари ушбу таш-риф Қозоғистон ва Беларусь ўртасидаги стратегик ҳамкор-ликни мустаҳкамлашга қара-тилган қатъий интилишнинг ифодаси эканлигини таъкид-лади.

– Савдо алоқаларимиз бар-қарор ривожланмоқда – ўзаро савдо ҳажми 900 миллиондан бир миллиард долларга ет-ди. Қозоғистон Беларусь учун иккинчи йирик савдо ҳамкори саналади. Биз сизнинг мамла-катингиз, халқингиз ва бетак-рор маданиятингизга эҳтиром билан қараймиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, Беларусь Прези-



денти Александр Лукашенкога самимий салом ва энг яхши тилакларимни йўллайман. Биз амалий натижа берадиган ҳам-корликка тайёرمىз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Александр Турчин ҳам ўз навбатида Қозоғистон раҳба-рига Александр Лукашенконинг саломини етказди ва икки дав-

лат ўртасидаги амалий ҳамкор-ликни изчил ривожлантириш ниятини билдирди.

– Президентимиз Александр Григорьевич Лукашенко Сизга самимий саломларини йўл-лади. Қозоғистоннинг изчил тараққий этаётганини диққат билан кузатиб борамиз ва ютуқларингиздан чин дилдан

қувонамиз, – деди Беларусь Бош вазири.

Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида Қозоғистон ва Бе-ларусь ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ўсди. Саноат коопе-рацияси доирасида 204 миллион долларлик 12та қўшма лойиҳа амалга оширилди.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА

ҚОЗОҒИСТОН ВА АҚШ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ТАСДИҚЛАДИ

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Энергетика вазири Ерлан Аккенжанов Бирлашган Араб Амирликларида ўтган «ADIPEC–2025» халқаро энергетика фо-руми доирасида АҚШнинг Ички ишлар вазири, Энергетика устуворлиги бўйича кенгаш раиси Даг Бёргам билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда Энергетика вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.



Учрашув чоғида Қозоғистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида 30 йилдан зиёд давом этаётган самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳока-ма қилинди.

Ерлан Аккенжанов таъкидлаганидек,

АҚШ компаниялари Қозоғистон иқтисодиё-тига ишонч билдирган дастлабки сармоя-дорлардан бўлиб, бугунги кунда мамлакат-нинг Тенгиз, Қарашағанақ ва Қашаған каби йирик энергетик лойиҳаларида асосий ҳамкор ҳисобланади.

– Қозоғистонда амалга оширилаётган лойиҳалар америкалик ҳамкорларимиз учун стратегик аҳамиятга молик. Бу мам-лакатимизнинг жаҳон энергетика барқарор-лигини таъминлашдаги аҳамиятини янада кучайтиради, – деди вазир.

Суҳбат давомида йирик қўшма лойиҳа-ларнинг ижроси ва истиқболлар муҳокама қилинди. Хусусан, нефть транспортировка-си ҳамда Каспий қувур консорциуми фао-лиятининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида Даг Бёргам Қозоғистон-даги қулай сармоявий муҳитни юксак баҳолаб, америкалик нефть-газ компания-ларининг кўп йиллик муваффақиятли фао-лиятини мисол тариқасида келтирди. Шу-нингдек, у энергетика соҳасини рақамлаш-тириш бўйича янги қўшма ташаббусларга АҚШнинг қизиқишини билдирди.

Учрашув якунида томонлар узоқ муддат-ли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўзаро ишонч ва эҳтиром руҳида ривожлантириш-га содиқ эканини тасдиқладилар.

»» Қозоғистон Республикаси мустақиллигига – 34 йил

Туркистон вилояти бугун мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт суръати бўйича етакчи ҳудудлардан бирига айланмоқда. Давлат раҳбари белгилаб берган устувор ва-зифалар асосида иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда, қишлоқларни обод қилиш ва аҳоли фаро-вонлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойлик натижаларига кўра, Туркистон вилоятида иқтисодий тараққиёт янги сифат босқичига кўтари-либ, 114,8 фоизга етди, бу кўрсаткич билан минтақа респу-бликада иккинчи ўринни эгал-лади. Иқтисодий тараққиётда қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳалари етак-чи ўринда.

Вилоятимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти йил-дан-йилга ортмоқда. Президент ҳамда Ҳукумат томонидан бел-гиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда Саврон, Жетисай, Мактаарал ва Сарпо-ғоч туманларида янги иссиқхо-налар, қайта ишлаш корхонала-ри ва техник парклар фаолияти йўлга қўйилди.

ОБОД ҚИШЛОҚ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



Балиқчилик йўналишида ҳам фаол тадбиркорлар сони ортиб, икки бозор учун сифатли маҳ-сулот етиштирилмоқда. Шу би-лан бирга, томчилатиб сўғориш технологиялари 114 минг гектар майдонда жорий этилди, бу эса сув сарфини икки баравар қис-қартирди ва маҳсулдорликни оширди.

“Обод қишлоқ – обод Ватан!” тамойилига асосланиб, аҳоли

истиқомат қиладиган манзил-ларда кенг қамровли бунёдкор-лик ишлари амалга оширилмоқ-да. Йўллар таъмирланмоқда, электр ва ичимли сув таъми-ноти яхшилانмоқда, газлаш-тириш доираси кенгаймоқда. Янги мактаблар, шифоналар, спорт ва маданият муассасала-ри барпо этилмоқда.

Ободонлаштириш ва кў-каламзорлаштириш дастури

“Қишлоқ тараққий этса – юр-тимиз фаровон бўлади”, деган ғоянинг ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда. Янги на-мунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилмоқда. Бунинг учун йирик маблағлар ажратилди, ихтисос-лашган қурилиш ташкилотлари тузилди.

Натижада қишлоқларда янги турар-жой бинолари қад рост-ламоқда, замонавий йўллар барпо этилмоқда, транспорт қатнови яхшилланмоқда. Теле-коммуникация тизимларининг кириб қилиши, интернет ва рақамли хизматларнинг ривож-ланиши қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини сифат жиҳат-дан янгиланмоқда.

Бандлик масаласида бизнес вакилларининг фаол иштироки таъминланди. Қишлоқларда ки-чик ва ўрта тадбиркорлик фао-лиятини ривожлантиришга йў-налтирилган дастурлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).▶



15 ДЕКАБРЬ – БУТУНЖАҲОН ТУРКИЙ ТИЛЛАР КУНИ

Kazinform. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таъ-лим, фан ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО) 43-Бош кон-ференциясида 15 декабрь «Бутунжаҳон туркий тиллар қуни» деб эълон қилинди.

Самарқанд шаҳрида ўтган нуфузли анжуманда 194 давлат-дан 5000дан зиёд делегат иштирок этди. Улар Туркия прези-денти Ражаб Тоййиб Эрдўғоннинг 15 декабрни туркий тиллар оиласи қуни сифатида белгилаш ҳақидаги таклифи юзасидан тақдим этилган резолюция лойиҳасини қўриб чиқиб, ақдиллик билан маъқулладилар.

Туркиянинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, элчи Гулнур Айбет ўз нутқида мазкур ташаббус барча туркий давлатлар томони-дан қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Г. Айбетнинг таъкидлашича, Туркий тиллар қуни 200 мил-лиондан зиёд одам учун умумий маданий ва маънавий қадрият-ларни мужассам этган бой меросни намойён этади.

ЮНЕСКОнинг маълум қилишича, 15 декабрь санаси тасоди-фан танланмаган – айнан шу қуни VIII асрга оид Ўрхун ёзувлари талқин этилган. Бу эса туркий тамаддуннинг қадимий маданий илдизлари ва умумий тарихига бўлган ҳурматнинг рамзидир.

»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга!

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ



Миллий Қурултой тавсиялари ҳаётга татбиқ этилаётган бугунги кунда маънавий йўналишдаги ҳар бир қадам жамиятимизнинг маърифат сари интилаётганини намойён этади.

“Китоб – тафаккур хазинаси. У инсоннинг эркин фикрлаши, маънавий юксалиши ва дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади”, деди Давлат раҳбари Миллий китоб қунига бағишлан-ган тадбирда.

Китоб ўқиган киши фикрлашга, таҳлил қилишга, ҳаётнинг ҳар бир қиррасини аёнлашга одатланади. Ёш авлод қалбида китобга муҳаббат уйғотиш – халқ келажагини маърифат билан ёритиш демакдир.

Бугун Туркистон вилоятида китобхонлик маданияти янги бос-қичга кўтарилмоқда. “Фараб” илмий-оммабоп кутубхонасининг филиаллари аҳоли гавжум жойларда, жумладан, бозорларда фаолият бошлади, китоб жавонлари мунтазам янгиланмоқда. “Туркий халқлар кутубхонаси” фаолияти ҳам вилоят аҳолиси учун маънавий марказ вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга, кутубхоначилар ёшлар ўртасида китобга қизиқиш пасайиб бо-раётганидан ташвиш билдиришмоқда.

Бу ҳолат тасодиф эмас. Ахборот асрида рақамли техноло-гиялар тезлиги инсонни мутолаадан узоқлаштирмоқда. Аммо китоб ҳеч қачон замон зайлига бош эгмайди. У фан-техника ёки интернетдан ҳам юксак маънавий қадриятдир.

Ҳамюртимиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдурашид Шамшиев кителининг чўнтагида доимо Абайнинг “Насихатлар” китобини олиб юрган. Бир жангда юрагига қарата отилган ўқ ай-нан шу китобга тегиб, унинг ҳаётини сақлаб қолган. Кейинроқ у ўқ тешиб ўтолмаган китобни уй тўрига олиб қўйган экан.

Яна бир фидойи зиёли – Абдурахмон Ҳасанов Қарағандида-ги сиёсий маҳбуслар лагерида жаъосини ўтаётган пайтларида ҳам Навоий асарларидан маънавий мадад олганини эсларди. “Навоийнинг ҳар бир сатри менга озодлик шижоатини берарди. Бу сатрлар инсон руҳиятининг қалъаси эди”, деганди у мулоқот чоғида.

Ота-боболаримиз китобни муқаддас билган. Улар уни кўз қорачигидек асрашган, ҳар қандай китоб уйнинг энг пок жойида сақланган. Бу ҳурмат, бу муҳаббат – китоб орқали халқнинг ру-ҳий поклигини асраш демакдир.

Қозоғистонда фаолият юритаётган икки Миллий кутубхона – халқимизнинг гурури. У ердаги нодир асарлар, жумладан, На-воийнинг 1649 йилда кўчирилган “Девон”и ва Хожа Аҳмад Ясса-вийнинг бешта қўлёзма “Ҳикматлар”и халқимизнинг маънавий мероси, бебаҳо хотирасидир.

Бугун барча кутубхоналарда интеграция жараёни кечмоқда. Бу – маънавиятни, илмни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш де-макдир. Ҳар бир китобхон келажақ авлод учун китобни асраб-авайламоғи, кутубхоналар раванқиға муносиб ҳисса қўшиши зарур. Зеро китоб – халқ қалбини асрайдиган энг буюк маъна-вий кўргондир.

А. АБДУФАТТОҲ.

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОШДИ

Жорий йили вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинлари 907 минг гектар майдонга экилиб, сўнгги уч йил ичида томчилатиб, ёмғирлатиб сўғориш технологияларини жорий этиш ҳисобига умумий экин майдони 43,4 минг гектарга кенгайди. Хусусан, Ўтрор туманида ўтган йилга нисбатан экин майдони 20,8 минг гектарга, Арис шаҳрида 9,2 минг гектарга, Сариоғоч туманида 6,5 минг гектарга, Байдибек туманида 4,8 минг гектарга, Саврон туманида 2,3 минг гектарга кенгайди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган ййғилишда маълум қилинди.

Вилоят раҳбари соҳани янада такомиллаштириш юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар юклади.

Рақамли ечимлар асосида экин экиш ва сўғоришнинг мажмуавий йўл харитасини ишлаб чиқиш зарур. Вилоят ҳудудида баҳор ва куз мавсумларида белгиланган режаларнинг тўлиқ ижроси таъминлансин. Шунингдек, агрохудудий мажмуани ривожлантиришнинг 2026-2029 йилларга мўлжалланган махсус режасини тайёрлаб, тасдиқлаш керак, — деди Нуралхан Кўшеров.

Мажлисда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари ўринбосари Алибек Паллов мавсум якунлари юзасидан ҳисобот берди. Унинг маълумотларига кўра, дала ишларига ёқилғи, субсидия ва минерал ўғитлар ўз вақтида ажратилган. Жорий йилда дала ва ҳосил йиғим-терим ишларига 93,3 минг тонна

ёқилғи ажратиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2 барабар кўп. Баҳорги дала ишлари учун ажратилган 55,3 минг тонна ёқилғининг барчаси харид қилинган, 41,7 минг тоннаси ишлатилди. Кузги ишлар учун ажратилган 38 минг тонна ёқилғининг ҳаммаси таъминланиб, айна пайтда 12,4 минг тоннаси ўзлаштирилди.

Давлат раҳбарининг минерал ўғитларни илмий асосда қўллаш топшириғига мувофиқ, 781 минг гектар ерга 227,1 минг тонна минерал ўғит солиниб, режа 120 фоизга бажарилди. Сўнгги уч йилда қўлланилган ўғит миқдори икки барабар ошган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитлаш ишлари “Аграр кредит корпорацияси” ХЖ, “Оңтўстк” МЧБ, “Ырыс” МЧБ орқали амалга оширилди. 2025 йилнинг 10 ойи давомида 2329 лойиҳага жами 26,4 миллиард тенге маблағ ажратилган бўлиб, бу ўтган

йилга нисбатан 1,6 барабар кўпдир.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ййғиб-териш режага мувофиқ амалга оширилди. Жорий йили 695 минг тонна ғалла, 54 минг тонна мойбоп экинлар, 1,5 миллион тонна сабзавот ва картошка, 1,7 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 5,2 миллион тонна ем-хашак ҳамда 428 минг тонна пахта етиштирилди.

Сув захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида 59 минг гектарга янги технологиялар татбиқ этилди. Шу жумладан, 54,6 минг гектарда томчилатиб сўғориш, 4,4 минг гектарда ёмғирлатиб сўғориш тизими жорий этилди.

Ушбу усулларнинг самардорлиги амалда ўз исботини топган. Масалан, ўтган йили пахта етиштириш учун 1,9 минг гектар ерда янги технология қўлланилган бўлса, бу йил 52,2

минг гектарда татбиқ этилди ва ҳосилдорлик икки барабар ошди. Сув сатҳи 2,6 минг куб метргача, яъни икки барабар камайди. Шунингдек, илк бор шолини томчилатиб сўғориш усулида экиш тажрибаси қўлланилиб, юқори натижага эришилди. Дастлабки босқичда анъанавий усулда гектаридан 300-400 центнер ҳосил олинган бўлса, янги усулда бу кўрсаткич гектарига 4-5 центнердан ошди. Тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобига келгуси 40-50 йилларда гектарига 6-7 тонна ҳосил олиш имконияти пайдо бўлади.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, сув захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш юзасидан ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



Юрт келажаги – истиқболли ёшлар зиммасида

Астана шаҳрида Қозоғистон халқи Ассамблеяси Котибияти мудирини М. Азилханов Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, таниқли медиатор ва жамоат фидойиси Шерзод Пўлатов ва Қўстанай вилояти УЭМБ раиси, Қўстанай Муҳандислик-иқтисодиёт университети президенти Рихсибой Мамедовларни қабул қилиб, ушбу бирлашмалар фаолияти ҳақида суҳбат курдилар.

Учрашувда Р. Мамедов таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, «Серпін» дастури асосида жанубий минтақа ёшларининг шимоллий вилоятдаги олий ўқув юртларида таҳсил олиши борасида атрофлича ахборот бериб, бу борадаги режаларни билан ўртоқлашди.

Таълим соҳасини ривожлантириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири. Зеро, илмми жамятнинг қадамлари ёрқин истиқболга заминдир.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

»» Обуначиларимиз орасида



Кўп йиллик фаол обуначимиз, жорий йили 70 ёшини қаршилаган меҳнат фахрийси, “Туркистон-насос” корхонасини бунёд этиб, олий маълумотли муҳандис фарзанди Фарруҳ билан самарали бошқараётган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбонбой Ирисбековнинг невараси Қаҳрамон Азим ўғли билан суҳбатимиз Конгресс Холлда “Южный Казахстан” газетасининг 100 йиллиги анжумани арафасида кечди.

— Ҳурматли Қаҳрамон Азим ўғли, Жорий йил Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги. Сиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 21 ёшида Ватан озодлиги учун немис босқинчиларига қарши оғир жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қурбонбой Ирисбековнинг невараси сифатида шу доврўқли санага боғлиқ фикрларингизни баён этсангиз.

— Жаҳон аҳли зўр тантана ила нишонлаган, бугунги фаровон ҳаёт учун жонини фидо этган уруш фахрийлари ёд этилган

Қ. Ирисбеков: “Қудуқ сувига эҳтиёж катта”



ушбу байрам барчамиз, хусусан, Туркистондан урушга отланган 18547 нафар аскарларнинг нурли хотираси ҳурмати қадрлидир. Машъум урушнинг илк курбонлари — мардларча ҳалок бўлган уруш қаҳрамонлари Абдулла Усенов, Қурбонбой Ирисбеков бўлса, энг сўнгиси 102 ёшида шу йили кўкламда вафот этган Неъмат Абдурасиловдир. Уларнинг барчасининг номлари “Жеңіс” истироҳат боғида мармар деворга зарҳал ҳарфлар билан битилган. Чўрнок қишлоғида қаҳрамон бобомиз номидаги мактаб-интернатда ёдгорлигини ўрнатиб, тарбиявий аҳамияти мўл тадбирни ташкил этдик. Бу ҳақда “Жанубий Қозоғистон” газетасида қатор мақолалар чоп этилди. Тинчлик — бебаҳо неъмат, ёшу қари унинг қадрига етиб, кўз қорачиғидек асраши шарт.

— Сиз ўнлаб йиллар мобайнида минглаб гектар экинзорларни оби-ҳаёт билан таъминлаб, юрт дастурхонига ризқ-рўз етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпсиз. А. Яссавий номидаги ХҚТУнинг биринчи ректори, академик Мурат Журинов: “Туркистон минтақаси ер ости денгизи устида жойлашган, уни ер юзасига чиқариб, деҳқончиликда фойдаланиш муҳим вазифа” деб таъкидлаган маърузаларини тинглаганман. Деҳқонлар экинзорлар учун қудуқ қазिश масаласида тахририятга саволлар билан мурожаат этишади. Шу йўналишда тавсияларингизни тингласан.

— Тўғри, бу долзарб масала. Теранлиги 40 метр келадиган битта скважина қудуқ билан 40 гектар майдонни сўғориб, ҳосил олиш мумкин. Қазिश, усқуналар-

ни ўрнатиш ишларини сифатли бажарамиз. Қудуқ қазиладиган ҳудуд тупроғида тош қатлами бор, ёки йўқлигини аниқлайдиган махсус таҳлилий ташкилот бор. Скважина қудуқлари 40 йил муҳлат нуқсонсиз ишлаб туриши учун кафолат берилади.

— Сизнинг қорхонангиз ишлаб истеъмолчиларга тақдим этадиган сув минораларига ҳам эҳтиёж катта. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

— Сув миноралари ҳажми ва кўламига кўра турлича, баҳоси ҳам шунга яраша. Туркистонда Ғайрат Акешов бошчилигидаги “Маҳкамбой ота” МЧБ идораси ҳудудида ўрнатилган сув минораси нуқсонсиз ишлаб турганлиги фикримнинг далили. Қудуқ ёки сув минораси масаласида корхонамизга мурожаат этишса, албатта, ёрдам берамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун фаол обуначилингиз сифатида сизга ташаккур айтиб, мустаҳкам саломатлик, омад ёр бўлсин, деймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қаҳрамон Ирисбеков; 100 ёшдаги “Южный Казахстан” вилоят газетаси раҳбари М. Лимаренко ва ҳамкасб ҳамюртлар Расул Байков, Бахтжан Раманкулов, Абдулла Ғайрат ўғли, ҳамда Қурбонбой Ирисбеков билан.

Муаллиф тасвирлари.

ОБОД ҚИШЛОҚ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Қозоғистон – 2050” стратегик дастурида белгиланган устувор вазифалар — ҳар бир фуқаро учун муносиб меҳнат шароити, ижтимоий муҳофаза ва барқарор даромад манбаини яратишдан иборат. Бу йўналишда мамлакат миқёсида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва имконияти чекланган шахсларни касбий қайта тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўрилкоқда. Шу билан бирга, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар учун ижтимоий ёрдам ва хизмат кўрсатиш дастаклари такомиллаштирилмоқда.



Ҳокимликлар зиммасига меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, иш жойларида хавфсизлик ва моддий рағбатлантириш тизимини кучайтириш каби вазифалар юклатилган.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқариш қорхоналари учун янги имконият эшигини очди. Давлат томонидан яратилаётган имтиёзлар натижасида қорхоналарнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу жараён аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бошқа томондан, бозор иқтисодиёти — рақобатга асосланган тизим. Шу боис ҳар бир қорхона ўз фаолиятини бозор талабига мос равишда йўлга қўйиши лозим. Бугунги тез ўзгараётган иқтисодий муҳитда ишлаб чиқарувчилар ўз маркетинг стратегияларини мунтазам такомиллаштириб боришлари шарт.

Маркетинг тадқиқотлари — барқарор иқтисодий тараққиёт гаровидир. Маҳсулотни ранг-баранглаштириш, янги технологияларни жорий этиш, савдо тармоқларини кенгайтириш ва янги бозорларни топиш — давр талаби.

Туркистон вилоятида ҳам иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг янги босқичи кузатилоқда. Янги ишлаб чиқариш иншоотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш марказлари, иссиқхоналар ва логистика омборлари қурилиши ҳудуднинг сармоёвий жозибадорлигини янада оширмоқда.

Туманлар кесимида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан аниқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун янги омборлар, ҳар бир қишлоқда иссиқхоналар барпо этилмоқда.

ҚИШЛОҚ – ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИДА

Бугунги дунёвий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат манбаи, инновацион ечимларни синаш ва жорий этиш майдонига айланиб бормоқда. Туркистон вилоятида ҳам аграр соҳани замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш ва қишлоқ инфратузилмасини янгилаш долзарб вазифага айланди.

Вилоятимизда инновацион жараёнларни чуқурлаштириш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ аграр соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда қатор муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Деҳқон хўжаликлари ва маҳсулот қайта ишловчи субъектлар илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда уларни молиялаштиришда етарлича фаол эмас. Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий технология ва янги навлардан фойдаланиш учун зарур билим ва малакаси етарли эмас.

Қишлоқларда бу ҳолат, айниқса, сезиларли. Кўпгина хўжаликлар ҳануз ота-боболаримиздан қолган деҳқончилик усулларидан фойдаланмоқда, натижада, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўнгилдагидай эмас. Илғор тажриба кўрсатмоқдаки, инновацион ечимлар — рақамли мониторинг тизимлари, томчилатиб сўғориш, агродронлар ёки захира тежовчи технологиялар — деҳқон хўжалиқларининг маҳсулдорлигини камида 30-40 фоизга ошириш имконини беради.

Аграр соҳада инновациялар ҳажми ҳозирда жами ялпи ички маҳсулотнинг 1-2 фоизини ташкил этади, қишлоқ инфратузилмаси тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам. Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда ушбу рақам 50-60 фоизга етган. Бу фарқ фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг сустилигидан, деҳқонларнинг билим ва ахборотга эга эмаслигидан далолат беради.

Олимларнинг инновацион тавсияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун самарали дастаклар зарур. Деҳқонлар ва илмий муассасалар ўртасида узвий ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш илмий ёғларини ҳаётга татбиқ этишга, уларни бозор талабига мослаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инновацияларнинг жорий этилиши қатор иқтисодий афзалликларни таъминлайди:

- * рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш;
- * маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига қорхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш;
- * захиралар ва хомашёни тежаш;
- * атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш.

Шунингдек, инновацион технологиялар ишлаб чиқаришни қулайлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва аҳоли бандлигини кенгайтириш имконини яратяди.

Бундан ташқари, “Агроинновация марказлари”ни ташкил этиш, маҳаллий деҳқонлар учун таълим ва малака ошириш дастурларини жорий этиш — давр талабидир.

Мухтасар қилиб айтганда, қишлоқ тараққиётининг келажаги — замонавийлашув, яъни, инновацияда. Туркистон вилояти бу жараёнинг етакчиси бўлиши учун барча шароитлар мавжуд: бой табиий захиралар, меҳнатсевар одамлар ва давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари. Энди энг асосий вазифа — илм, амалиёт ва деҳқонлар тажрибасини бирлаштириш.

Ана шунда вилоятимиз қишлоқлари озиқ-овқат хавфсизлиги манбаи ва инновацион тараққиётнинг намунасига айланади.

А. АБДУФАТТОҲ.

»» Обуначиларимиз орасида

МАКТАБ ҚУРГАН – ЭЛДА АЗИЗ

САВРОН ТУМАНИ
МАСЛАХАТИ ДЕПУТАТИ,
ФАОЛ ОБУНАЧИМИЗ
НУРСУЛТОН ФАРҲОД
ЎГЛИ ФАОЛИЯТИДАН



Саврон туман маслаҳатининг фаол депутати Нурсултон Фарҳод ўғли падади бузруквори, меҳнат фахрийси Фарҳод Жалил ўғли билан 35 ёш арафасидаги “Жанубий Қозғоғистон” газетаси обунасига 130 нусхага ҳомилик қилиб, муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Нурсултон Фарҳод ўғли Абдуллаев 1989 йили 14 июлда туғилган. Югнак қишлоғидаги А. Югнакий номли мактабни битирган. Шимкент ижтимоий педагогика университетини ҳисоб ва аудит ихтисоси бўйича тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2006 йили Югнак деҳқон хўжалигида бўлим мудир бўлиб бошлаган. Ҳисобчи – кассир, Югнак фер-

билан юқорида зикр этилган таълим-тарбия муассасаларида жами 165 нафар ҳамқишлоқ мутахассислар доимий иш билан таъминланди. Ўзи депутат бўлиб сайланган Чипон қишлоғидаги ҳамқишлоқ сайловчилари таклиф илтимоси ҳамда берган ваъдасига мувофиқ маҳаллий амбулатория биносининг иситиш тизимини янгиллаб, эмлаш ва



мер хўжалиги раиси ўринбосари, Югнак деҳқон хўжалиги, Нур Фарҳод хўжалиги раиси, хусусий тадбиркор раҳбар, Сора она болалар боғчаси ва Жалил Абдуллаев заковат мактаби қурултойчиси. Самарали меҳнатлари Туркистон, Кентов шаҳар ҳокимлиги, вилоят “Нур

тахлил учун яна қўшимча тўрт хонани бунёд этиб, ҳамқишлоқлари саломатлиги учун 5 миллион тенге сарфлаб, ҳомилик қилди.

Қарноқ қишлоғидаги шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабибов бунёд этган “Бексарой” тўйхонасида Кентов,



Отан” партияси бўлими, “Ҳулес” хайрия жамғармаси раиси Р. Қўчқоров, қишлоқ ҳокимлиги, “Respublika” партиясининг раиси А. Қўжаназаров, Югнак қишлоқ масжиди имоми Саиджон Абдуллаев, Чипон қишлоғидаги М. Маметова номли мактаб жамоаси номидан “Ташаккурнома”лар билан тақдирланган.

Айни пайтда “Respublika” сиёсий партияси Саврон тумани бўлими раиси сифатида юрт фаровонлиги, янги иш ўринларини яратиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан танилмоқда. Нурсултон Абдуллаев Югнак қишлоғида 150 ўринли болалар боғчаси, ўтган йили эса 950 ўринли замонавий заковат мактабини бунёд этиб, ишга туширди. Мактабга бобоси – ҳаётини маориф соҳасига бахшида этган заҳматкаш устоз, УВУ фахрийси Жалил Абдуллаев номи берилган. Заковат мактабида ёш авлод камолоти йўлида спорт машғулотлари учун яратилган ажойиб шароит мева-си – битирувчи синф ўқувчиси боксдан Қозғоғистон Республикаси чемпиони унвонига сазовор бўлди. Нурсултоннинг бунёдкорлик саяё-ҳаракатлари

Туркистон шаҳарлари ва Саврон тумани фахрийлари иштирокида ўтган “Оталар чойхонаси” анжуманида Нурсултон Абдуллаев самарали меҳнатлари учун ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг Қозғоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган юбилей медал билан тантанали тақдирланди. Мукофотни “Ҳулес” вилоят ва Туркистон шаҳар ҳамда Саврон тумани ЎЭМБ раислари Райимжон Қўчқоров, Қурбонбой Ирисбеков ҳамда вилоят оксоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тойир Абдувалиев тақдим этишди. Мукофот муборак бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: депутат Нурсултон Абдуллаев; Чипон қишлоғида соғлиқни сақлаш муассасасининг очилиши тантанасида туман ҳокими ўринбосари Бахтжан Букебаев, қишлоқ ЎЭМБ раиси Жумадулла Абенов ва фаоллар билан; оила-аъзолари ва қариндошлари даврасида; ҚХАнинг 30 йиллиги юбилей медал билан мукофотланган онлар.

Муаллиф суратга олган.

»» Бизнинг мусоҳаба

ХОТИН-ҚИЗЛАР ШИЖОАТИ ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН КУЧ

Жамиятимизда хотин-қизлар фаоллигининг ортиши замонамизнинг муҳим белгиларидан биридир. Улар ўз салоҳиятини барча соҳаларда намоён этишмоқда. Айниқса, тадбиркор хотин-қизлар қатлами шаклланиб, маҳаллий иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар яратган ҳар бир иш ўрни оила фаровонлигига, ҳар бир амалга оширган лойиҳа – жамият тараққиётига хизмат қилмоқда. Инновация ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиб орқали улар мамлакат иқтисодиёти салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда минглаб қиз-жувонлар тадбиркорлик салоҳиятини намоён этиб, иқтисодимиз тараққиётида фаол иштирок этишмоқда. Вилоят тадбиркор хотин-қизлар кенгаши раисаси Салтанат Тўлегенова билан мусоҳабамиз ушбу мавзуга бағишланди.

– Салтанат Қўжамамед қизи, ҳозирги кундаги хотин-қизлар тадбиркорлиги қай даражада ривожланмоқда? Уларнинг иқтисодиёт ва солиқ тушумларидаги улуши қандай?

– Вилоятимизда хотин-қизлар тадбиркорлиги изчил ривожланмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, тадбиркорлик билан шуғулланаётганларнинг қарийб 37 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Вилоятда рўйхатдан ўтган 216 185 нафар тадбиркорнинг 79 918 нафари қиз-жувонларимиз.

– Тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан тузилган соҳалараро кенгаш таркибига тўхталсангиз.

– Унга қуйидагилар аъзо бўлиши мумкин: давлат муассасалари вакиллари (вилоят ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик, инновация, ижтимоий муҳофаза, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва маданият бошқармалари); “АТАМЕКЕН” тадбиркорлар палатаси вакили; хотин-қизлар ишлари ва оила-демографик сиёсат бўйича комиссия аъзолари; ишбилармон хотин-қизлар уюшмаси ҳамда тадбиркорлар кенгаши вакиллари; илмий таҳлилчилар, ноҳукумат ташкилотлари, ўз бизнесини юритаётган аёллар. Ҳозирги кунда мазкур Кенгаш таркибидан 17 нафар аъзо фаолият юритмоқда, яна 12 нафар номзодни аъзоликка қабул қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Яқин вақтларда уларнинг умумий сони 29 нафарга етади. Табиийки, мазкур кенгашнинг асосий вазифалари нимадан иборат, деган савол туғилади?

Асосий вазифалари – хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Яъни, уларнинг бизнес ташаббусларини ривожлантириш ҳамда давлатнинг моддий қўллаб-қувватлаш дастакларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш.



лиги хотин-қизларнинг фаоллигини чеклайди. Шунингдек, бозорга чиқиш ва рақобатда иш юритиш муаммолари мавжуд. Аёлларимиз кўпинча кичик бизнес билан шуғулланишади, бу эса йирик бизнес билан рақобатни қийинлаштиради. Маҳсулот сотиш каналлари ва маркетинг воситалари етарли даражада ривожланмаган.

– Тадбиркор хонимларга грант ёки субсидия олишда қандай амалий ёрдам кўрсатилади?

– Энг аввало, кенг ва батафсил ахборот билан таъминлаш муҳим. Давлат ва маҳаллий грантлар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ҳақида янгилашган маълумотлар берилади, грант дастурларда иштирок этиш шартлари бўйича йўлланмалар тақдим этилади. “АТАМЕКЕН” палатаси, маҳаллий тадбиркорлик бошқармаси, “Даму” жамғармаси ва “Бир қишлоқ – ягона маҳсулот” каби лойиҳаси сингари тизимлар билан боғланиш, бизнес-хонимларнинг аризаларини дастлабки саралашдан ўтиб, тегишли ташкилотларга йўллашда кўмак берилади. Улар учун тажриба алмашиш майдони ва тармоқ учрашувлари ташкил этилади.

– Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришдаги муваффақиятли лойиҳаларга тўхталсангиз.

– Бугунги кунда Astana Hubда тақрибан 250 нафар хотин-қизларга

гайтириш йўналишида тадбиркорлик асослари, маркетинг ва молиявий саводхонлик бўйича бепул курслар ташкил этилади. “Ёш тадбиркор аёл” лойиҳалари танлови ўтказилади, унда 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар орасида инновациявий ғоя ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш режаланган.

– Хотин-қизлар бизнес соҳасида муваффақиятга эришишлари учун қандай фазилатлар муҳим, деб ҳисоблайсиз?

– Энг муҳим фазилат – сабрли бўлиш ва ўзига ишонч ҳиссидир. Кўпинча хотин-қизлар ўз имкониятларини паст баҳолашади, лекин муваффақиятли тадбиркор бўлишнинг илк қадами – ўз қобилиятига ишонишдан бошланади. Сабр ва меҳнатсеварлик. Бизнесда муаммолар бўлиши, табиий. Муҳими, қийналган пайтда таслим бўлмаслик, мақсад сари ишонч билан олға интилиш. Янги ғояларга очик ҳамда мослашувчан бўлишимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бозордаги ўзгаришларга тез кўника олиш, соҳага янгилик киритиш рақобатбардорлигини таъминлайди. Ҳамкорлар, мижозлар ва давлат муассасалари билан тўғри муносабат ўрната олиш муваффақият калити. Аёл оила ва иш ўртасидаги уйғунликни таъминлай олса, демек, у бахтли ишбилармон аёлдир.



– Ташкилотнинг ҳудуддаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга таъсири қандай?

– Биринчидан, хотин-қизлар бошқарадиган корхоналар сони ортиб, кичик ва ўрта бизнес улуши кенгайди. Иккинчидан, бу янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотлар ва брендлар шаклланиб, уларнинг бозорга чиқишига имконият яратилади. Давлат грантлари ва дастурлари орқали инновациявий ва ижтимоий лойиҳалар ривожига йўл очилади. Хотин-қизларимизнинг иқтисодий мустақиллиги барқарорлашиб, жамиятдаги фаоллиги ошади. Қишлоқларда ижтимоий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳалари жонланади. Шу билан бирга оилавий қадриятлар ва ижтимоий масъулият маданияти ҳам шаклланишига ҳисса қўшилади.

– Хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш жараёнида бўй кўрсатаётган асосий муаммолар нималардан иборат?

– Бизнесни юритиш, масъулиятни зиммага олиш осон иш эмас. Улар кўпчиликда гаровга қўядиган мулкни ёки ижобий кредит тарихи йўқ, бу эса банк хизматларидан фойдаланишда қийинчиликлар туғдиради. Иккинчидан, билим ва ахборот етишмайди. Ҳисоб, ҳуқуқий ёки маркетинг соҳаларида билим зарур, малака ва тажриба кам. Қишлоқларда эса тадбиркорлик бўйича ўқув курсларига кириш имконияти чекланган. Ушбу масаланинг оилавий ва ижтимоий омиллари ҳам мавжуд. Кўпгина аёллар иш ва оилавий мажбуриятларни бир вақтда амалга оширишга мажбур, бу эса бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Айрим ҳудудларда ҳануз “одамлар нима деркин” деган қарашларнинг устувор-

тегишли лойиҳалар амалга оширилмоқда, улардан 25 фоиз маҳсулот экспорт бозорига чиқарилгани ҳам эътиборга молик. Масалан, ZebraEye аёл раҳбар томонидан бошқариладиган лойиҳа бўлиб, сунъий идрок орқали кўз касалликларини аниқлайди. Ёки SmartTestPrepни олайлик. У таълим технологиялари йўналишида бўлиб, унга ҳам аёл томонидан асос солинган. Ушбу лойиҳалар IT, технология, экспорт ва хотин-қизлар тадбиркорлигини бирлаштирган соҳалараро йўналишда амалга оширилганлигини кўрсатади. Улар учун мўлжалланган технологик стартаплар грант дастурлари орқали қўллаб-қувватланган. Аниқ натижалар бор – сарможа жалб этилди, экспорт ҳажми оширилди. Халқаро бозорда уларнинг фаоллигини кўрсатувчи илғор интеграция амалга ошириляпти.

– Келгусида қандай янги йўналишлар ёки ташаббуслар режалаштирилмоқда?

– Яқин келажақда мазкур йўналишни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор янги лойиҳалар амалга оширилади. Хусусан “Smart Business” дастури – рақамли технологиялар ва онлайн савдо кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий тармоқлар орқали бизнес юритишни қўллаб-қувватлаш. Микроасия ва грантлар ҳажмини ошириш – кичик бизнес учун молиявий имкониятларни кенгайтиришни мақсад қилган. Менторлик ва нетворкинг платформаларини ривожлантириш – тажрибали ишбилармонлар янги иш бошлаганларга устоз сифатида ёрдам беради. Қишлоқ хотин-қизлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш орқали қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва экотуризмга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилган. Билим ва малака марказларини кен-

– Салтанат Қўжамамед қизи, “Қуаныш өлемі” МЧБ раҳбарисиз. Ишбилармон аёл сифатида нималардан илҳомланасиз? Шунингдек, ўз бизнес йўлини бошлаш арафасида турган ёшларга қандай маслаҳат берасиз?

– Мен учун асосий илҳом манбаи – одамларга фойда келтириш, уларга ёрдам бериш билан бирга, улардаги ижобий ўзгаришларни кўра билишдир. Кимгадир ўз ғоясини амалга ошириб, бизнес очишга ёрдам бериш ёки унда ишонч туйғусини уйғота олиш мен учун илҳом манбаи. Умуман олганда айни таҳликали даврда одамларнинг тараққиётга интилиши, ўз салоҳиятини очишга уринишдан илҳомланиб, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш жоиздир. Ёшларга эса ўз орзуларига эришиш учун ҳар қандай ишни дастлабки қадамлардан бошлаши зарурлигини тушунтираман. Ҳадиқ ва иккиланиш энг катта тўсик. Ҳеч ким тадбиркор бўлиб туғилмайди ва бу салоҳият тажриба ҳамда ишонч орқали шаклланади. Улуғвор мақсадга бир зумда эришиб бўлмайди. Асосийси, олға юришга интилишимиз керак. Шунда кичик ғоя ҳам вақт ўтиб, йирик муваффақиятга айланиши мумкин. Хатолардан кўркмасдан, қадриятларга солиқ қўлиш, доим эзгуликка ҳамда юксак чўққилар сари ҳаракат қилсак, жамиятимизда кучли тадбиркор аёллар авлоди шаклланади. Бошлаган ишимиз билан ўз ҳаётимизни, шу билан бирга, атрофимиздагиларнинг келажагини ҳам яхшилик сари ўзгартира оламиз. Бизнесга қадам ташлаётган қиз-жувонлар шуни доимо ёдда тутишлари даркор.

– Сўхбатингиз учун раҳмат!

М. САЪДУЛЛАЕВА
сўхбатлашди.

БАНДЛИК МАСАЛАСИ КУН ТАРТИБИДА

КЕЛЕС ТУМАНИДА МИНГДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Вилоятимизда ҳудудларни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва сайёҳлик соҳасини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётини ранг-баранглаштириш, шу билан бирга аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Президент топшириғига мувофиқ, ҳар бир ҳудуднинг

сайёҳлик салоҳиятини ошириш, ҳордиқ чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари сонини кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу жараён доирасида Келес туманида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Туманда умумий қиймати 21,5 миллиард тенге бўлган 5та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар тўлиқ ишга тушса, 1060 киши доимий иш билан таъминланади.

Жорий йилда бир нечта янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Улардан бири – туман марказидаги меҳмонхона маж-

муаси. Туман марказида ушбу иншоотнинг ишга туширилиши билан ҳудуд аҳолиси иш билан таъминланди.

Ҳордиқ чиқариш ва оилавий сайр учун мўлжалланган яна бир иншоот – “Сапарбеков” дам олиш маскани.

Шунингдек, туман ҳудудидаги энг йирик лойиҳа – “Нурполат” кўп тармоқли шифохонаси. Қиймати 20 миллиард тенгга тенг бўлган мазкур замонвий тиббиёт маркази 2025-2026 йилларда фойдаланишга топширилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Ҳамза номли мактабнинг кекса устози
Г. Муҳаммад қизи фаолиятга бағишланган анжуман

ҲАЁТИ – ИБРАТ, МЕҲНАТИ НАМУНА

Туркистон шаҳридаги 107 ёшдаги энг кекса таълим даргоҳи, тажрибали устоз Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли умумтаълим мактаби жамоаси ибратли анъаналари билан танилган. Табаррук ёшдаги фахрий устоз, ўтган асрда шу мактабда ўқиб, сўнгра ўқитувчи бўлиб самарали меҳнат қилган, шогирдларининг самимий ҳурматиға сазовор бўлган Гулсин Муҳаммад қизининг ҳаёти ва фаолиятиға бағишланган “Ҳаёти – ибрат, меҳнати намуна” мавзuidaги тадбир юксак савияда ўтди.



Мактабимиз устозлари фаол иштирок этган ушбу маданий-маърифий тадбирнинг тарбиявий аҳамияти мўл бўлди. Гулсин Муҳаммад қизи мактабни битиргач, меҳнат ва биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Умр йўлдоши Тожимуҳаммад Иброҳим ўғли УВУ фахрийси, Ленинград шаҳри мудофаасида иштирок этган. Тарих фани ўқитувчиси, туман таълим бўлимида мудири ўринбосари бўлиб ишлаган. Улар зиёли, қобил фарзандлар тарбиялашган.

Гулсин устозни мактабимиз директори Дилбар Дийметова самимий қўллаб, унинг кўксига “Ўлағатти устоз” кўкрак нишонини тақди. Отахоннинг ўғли Илҳом Иброҳим қаламиға мансуб, Тошкент шаҳрида нашрдан чиққан

“Унутилмас аждодлар тарихи” китобини ҳам гулдўрс қарсақлар остида тантанали тақдим этди. Муаллиф кириш қисмида китоб онасининг таваллуд кунига туҳфа эканлигини фарзандлик ҳурмати ила таъкидлаган. Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ЎЭМБ номидан санъаткорлар уюшмаси раиси Нурмуҳаммад Йўлдошев устоз онахонга “Мертебелі устаз” кўкрак нишонини тақдим этди. «Унутилмас аждодлар тарихи» китоби муаллифи Илҳом Иброҳимға тўн кийдирилиб, иззат-икром кўрсатилди.

Тадбирда Эски Иқон қишлоғидан ташриф буюрган устоз, шоир Айниддин Абубакиров ўз кутлов шеърини ўқиб берди. Мактабимизда кўп йиллар самарали



меҳнат қилган, бугунги кунда фахрий ҳордиқдаги устозлар Гулнора Мирзаметова, Раъно Юсупова, Руқия Режаметова, Гулбаҳор Ўтаева устозлари шаъниға ҳурмат ила шогирдлик каломини армуғон этиб, меҳри дарё, талабчан Гулсин Муҳаммад қизининг тарбиясини олиб, кам бўлмаганликларини ҳурмат ила таъкидладилар.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррир-директори Райимжон Алибоев тахририят номидан «Қўтлов» номани тақдим этиб, самимий ниятларини изҳор қилди. Ҳамза мактаби жамоаси она тилимизда давлат сиёсатини тарғиб қилаётган нашрга республика миқёсида энг кўп – 200 нусха обунани ташкил этиб, барчаға ўрнатқ бўлаётганлигини ифтихор ила таъкидладди. Мактабни 1969 йили тамомлаган шогирдлар ҳам дил изҳорини баён этдилар.

Туркистон шаҳри – жорий йилнинг 3 март куни ҚР Президенти Қ. Тўқаев Фармони билан республика миқёсидаги шаҳар мақомиға сазовор бўлди. Туркийлар олами маънавий пойтахти Туркистонда ўтган ушбу тадбир шаҳар мақомиға узукқа кўз қўйгандек муносиб ва мувофиқ бўлди. Шу хайрли тадбирни ташкил этишда ҳисса қўшган барча зиёли ҳамшаҳарларимизға омад ёр бўлсин.



Зулфия ҒОФУРОВА,
Ҳамза номли мактаб директорининг тарбия ишлари бўйича ўринбосари.

Тасвирларда: Гулсин Муҳаммад қизи; мактаб директори Д. Дийметова муборакбод этмоқда; шаҳар ЎЭМБ номидан Н. Йўлдошев китоб муаллифи И. Иброҳимға тўн кийдирди; тадбир иштирокчилари.

Муаллиф суратға олган.

»» Заковатли миллат

ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ – МИЛЛАТ ТАРБИЯСИ

Қайси мамлакатда яшамасин, маърифатли ва зиёли инсоннинг асосий мақсади – жамият тараққиётиға ҳисса қўиш, эзгулик ва билим чироғини ёқшидир. Чин маънода, илмли инсон ўз ватани маънавияти тараққиётиға эға эмас, балки бутун инсониятнинг фаровонлиғиға хизмат қилади. Айниқса, олимлар илмий салоҳияти ва инсонпарвар ғоялари билан тинчлик, ҳамжиҳатлик ва маънавий раванқиға ҳисса қўишб келмоқда. Улар учун чегаралар йўқ – уларнинг илмий фаолияти умуминсоний қадриятларға суянади. Халқимизнинг шундай фидойи фарзандлари бор экан, илм-фан раванқ топаверади, маънавиятимиз юксалаверади.

Шу йил шаҳримизда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиғи доирасида “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни” нишонланди. Тадбирда юртимиз тараққиётиға ҳисса қўшаётган фаол ватандошларимиз билан мулоқотда бўлди. Уларнинг фидойилиғи ва эзгу ташаббуслари билан фахрландик.

Шундай маърифатпарвар инсонлардан бири – Тошкент Давлат Аграр университети профессори Муяссар Муханова. У Шимкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган Улугбек номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимаси сифатида бошлади.

Меҳнат фаолиятим давомида Лилия Чумбарёва, Нортжи Норалиева, Холида Тешабоева, Феруза Олимжонова ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фанининг фидойиси Обида Мажидова билан елкама-елка ишлаш, уларнинг педагогик маҳорати ва услубий ёндашувидан сабоқ олиш бахти насиб этди, – дейди М. Муханова. – Бу тажриба менга билим бериш жараёнида муқаммал услубий ёндашувни шакллантиришда муҳим замин яратди. Ва яна шуни ало-



талабалар томонидан дарс машғулотларида самарали фойдаланиб келинмоқда. Илмий-услубий ишларим орқали ўқув жараёнини такомиллаштиришға, талабалар билимини чуқурлаштиришға ҳисса қўишб келмоқдаман. Жорий йилнинг ноябрь ойида дорилфунуннинг 95 йиллик юбилеи кенг нишонланади. Ушбу тантанали тадбирларда менинг ҳам муносиб ҳиссам борлиғидан мамнунман. Яъни, университет тарихи ҳақидаги китобнинг ёзилиш жараёнида ишчи гуруҳ аъзоси сифатида фаол иштирок этмоқдаман. Ўтмишни чуқур англамасдан, келажак сари қадам ташлаб бўлмайди. Устозларимиз қолдирган илмий ва маънавий ме-

ҳамда отахоннинг мамлакатимиз тараққиётидаги шу билан бирга, икки қардош халқ ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашға қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этиб, унинг эзгу ишларини хотирлади. Онахонға ҳамжамиятнинг 30 йиллиғи муносабати билан нашр этилган “Дўстлик карвонида – 30 йил” китобини тақдим этди. Шунингдек, марҳум отахоннинг эзгу ишларини давом эттираётган, Тошкент Давлат Аграр университетида фаолият юритаётган қизи Муяссархон Мухановаға ҳамжамиятнинг 30 йиллиғиға бағишлаб чиқарилган “Қозоғистон ЎЭМБнинг “Дўстлик” ҳамжамиятиға 30 йил” юбилей медалини тақдим этди.



ҳида таъкидламоқчиманки, биринчи устозларим – бувам Парпи Қирғизбоев, отам, жамоат арбоби Файрат Қирғизбоев, онам Манзура аянинг ибратли ҳаёти муҳим ўрин тутди. Уларнинг самимий сабоқлари менда ўқитувчилик касбига меҳр уйғотди. Бу касбни танлаганимдан ва ҳозирги фаолиятимдан фахрланаман. Бугунги кунда Тошкент Давлат Аграр университетида профессор-ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келяпман. Университетнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши ҳамда ветеринария тиббиёти, яъни лотин ёзуви ва ветеринария атамалари фанларидан маърузалар ўқияпман. Педагогик фаолиятим давомида мана шу фанлар бўйича бир нечта ўқув ва услубий қўлланмаларни чоп эттирдим. Ва улардан бугунги кунда ўқитувчилар ҳамда

рос биз, педагоглар учун йўл-йўриқдир. Ишончим комилки, изчил меҳнат, сабр-тоқат орқали юртимиз раванқи учун муносиб авлод тарбиялаймиз.

Суҳбатдошимнинг ҳам олималикда, ҳам устозликда юксак доvonлардан ошиб бораётганлиғи, шу билан бирга, ёш авлоднинг илмий салоҳиятини юксалтиришда она тили – ўзбек тилининг муҳим ўрин тутиши ҳамда унга бўлган ёшлар қалбидаги эҳтиром туйғуси ҳақидаги мулоҳазалари таҳсинға сазовор.

Файрат Қирғизбоев Қозоғистон ўзбек жамоатчилиғида етук зиёли ва фидойи арбоб сифатида ном қолдирган инсон эди.

ҚР ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов марҳум Ғ. Қирғизбоев хонадонига ташриф буюриб, унинг умр йўлдоши Манзурахон опа билан учрашди

Марҳум Файрат Қирғизбоев “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг ҳақиқий жонкуяри, доимий обуначиси ва фаол жамоатчиси бўлган, “Дўстлик” ҳамжамиятининг оқсоқоллар кенгаши раиси сингари жамоатчилик хизмати даврида ҳам ёшлар маънавиятининг юксалиши масалаларига бефарқ бўлмаган. Отахоннинг олима қизи Муяссархон Муханова билан суҳбат чоғида ҳам Файрат отанинг фазилатларини ёд этдик. Дарҳақиқат, М. Муханова илм билан маънавиятни уйғунлаштирган фарзанди миллатға ибрат сифатида тарбиялаган оиланинг давомчиси-дир. Унинг эзгу ишларини давом эттираётган қизи М. Муханова отасининг илмий ва маънавий майдонда рўёбға чиқараётган таҳсинға сазовор фарзандидир.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортикбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚҶЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиғи.
Мулк эғаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиғи.

» Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиғи учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
» Фойдаланилмаган мақолаларға эъза жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиғи томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатға олинди, КЗ34PVP00022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR-online” МББ бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.

Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 654466.

Адади – 10300 нусха.

Биринчи:
2520

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.